

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ДАРОМАДЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Азизхон Саидалохонович ХОЖАЕВ

доцент

иқтисодиёт фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Фарғона политехника институти
Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари даромадларини ва уларни ҳисобга олишнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Таянч сўзлар: бюджет ташкилоти, олий таълим муассасаси, молиялаштириш манбаалари, бюджетдан ташқари маблағлари, даромадлари таркиби

ОСОБЕННОСТИ УЧЕТА ВНЕБЮДЖЕТНЫХ ДОХОДОВ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

Азизхон Саидалохонович ХОЖАЕВ

доцент

доктор философии (PhD) по экономическим наукам
Ферганский политехнический институт
Фергана, Узбекистан

Аннотация

В статье обоснованы особенности, присущие эволюции цифровых технологий.

Ключевые слова: бюджетная организация, высшее учебное заведение, источники финансирования, внебюджетные средства, состав доходов.

Бугунги кунда олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш, уларнинг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги сметалари бажарилиши, бюджетдан ташқари даромад келтирувчи фаолиятлари ҳисобини тўғри ташкил этилишини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳозирги кунда давлат олий таълим муассасаларининг давлат бюджетидан молиялаштириш ўртача 25-30 фоизни ташкил этиб, қолган қисми эса бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда [9]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармонининг 3-параграфи 2-бандида: “хорижий

инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасалари таркибида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларни ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилиш ва прогнозлаштириш бўйича фаолият олиб боришларини таъминлаш” зарурлиги келтирилган [2]. Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари даромад келтириши мумкин бўлган фаолият йўналишларини, уларни амалга ошириш учун зарурий ресурсларни ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масалаларини ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бизга маълумки, ҳозирги кунда олий таълим муассасалари давлат, ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтган, молиявий мустақилликни қўлга киритган таълим ташкилотлари бўлиб, давлат ташкилоти яъни, бюджет ташкилоти сифатида фаолият юритади. Шунингдек, чет эл олий таълим муассасалари филиаллари ва нодавлат олий таълим муассасалари эса хўжалик ҳисоби асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этади. Ушбу тадқиқотда асосан бюджет ташкилоти нуқтаи назаридан тадқиқотлар амалга оширилган.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари таркибида бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси даромадларини шакллантириш, тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадларини шакллантириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадларини шакллантириш, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини ундириладиган тўловлар ҳисобидан шакллантириш масалалари ёритилган [1]. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масалалари бўйича йўриқнома тасдиқланган бўлиб, унда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва амалий масалалари келтирилган [3]. Иқтисодчи олим М.Останақулов тадқиқотларида бюджет ташкилотларида бухгалтерия

ҳисобини ташкил қилиш масалари тадқиқ қилинган. Шунингдек, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган. [5]. Иқтисодчи олим С.У.Меҳмонов тадқиқотларида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари ўрганилган [4]. Иқтисодчи олим Ш.В.Ғаниев тадқиқотларида таълим тизими мисолида бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган [8]. Юқоридаги илмий тадқиқот ишларида, шунингдек, қабул қилинган кодекс, низом ва буйруқларда асосан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масалалари ёритилган [3, 6]. Лекин мазкур тадқиқотларда олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари даромадлари ҳисобини ташкил этиш бўйича етарлича тадқиқотларнинг олиб борилмаганлиги, мазкур мавзунинг тадқиқ объекти сифатида ўрганилишига сабаб бўлди.

Шу нуқтаи назардан тадқиқотлар асосида “Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш йўналишлари ва улардан фойдаланиш” тартиби ишлаб чиқилди. Бу тартибда олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари даромадларни топиш учун зарур бўладиган омиллар таркиби, бюджетдан ташқари даромадлар тавсифий турлари ва уларнинг ҳисобини юритиш масалалари тадқиқ қилинган.

Олий таълим муассасалари ўз фаолиятида бюджетдан ташқари даромадларни топишда: асосий фаолияти бўйича оланадиган даромад яъни, таълим бериш фаолияти, илмий ва илмий тадқиқот фаолияти, инновацион фаолияти, ҳалқаро алоқалар билан боғлиқ фаолияти, тадбиркорлик фаолияти, маънавий-маърифий ва спорт фаолияти, олийгоҳ ташкилий тузилмасидаги бошқа фаолиятларидан даромадларни ишлаб топишлари мумкин (Қаранг: 1-расм. Муаллиф ишланмаси.).

Бунинг учун эса қуйидаги омилларни тўғри ташкил қилиш орқали олий таълим муассасасига қўшимча даромадларни келтириш мумкин бўлади. Бу омиллар сирасига:

- олийгоҳнинг илмий салоҳияти – ушбу омил орқали илмий тадқиқот ва инновацион фаолият ишларини, халқаро ва маҳаллий грантларни, ҳудудлар, тармоқларни ривожлантириш йўналишларидаги илғор тадқиқотлар асосида қўшимча даромадларни топиш имкониятини беради;

- олий таълим муассасасининг ички ҳуқуқий ва ташкилий базаси – яъни, олийгоҳнинг бюджетдан ташқари даромадларни жалб қилиш учун меъёрий-ҳуқуқий базасининг мавжудлиги, профессор-ўқитувчиларнинг бюджетдан ташқари фаолияти бўйича рағбатлантирилиши, қизиқишларини етарли даражада баҳоланиши, бюджетдан ташқари маблағларда ҳар бир ходимнинг улуши қай даражада эканлиги билан тавсифланади;

- бюджетдан ташқари даромадларни топиш учун олийгоҳда яратилган қулай шарт-шароитлар: ҳар бир олий таълим муассасаси бўлимларининг бюджетдан ташқари даромадларни топишга юқори даражада ошириш ва улардан самарали фойдаланишдан манфаатдорлиги, факультет, кафедра ва бўлинмалар ҳамда илмий марказлар ўртасидаги молиявий муносабатларнинг ривожланганлиги билан тавсифланади;

- олий таълим муассасасининг лицензия, аккредитация ва мавжуд сертификатларининг мавжудлиги – бу уларга қўшимча таълим хизматларини амалга ошириш имконини беради;

- олий таълим муассасасининг жойланган ўрни ва ҳудуддаги эришган ижобий натижалари – олийгоҳ жойлашган ўрни ва ҳудуддаги олий таълим муассасасининг асосий истеъмолчиларини баҳолаш зарур бўлиб, унга ички ва ташқи шарт-шароитларга мослашиш, жумладан, ҳудуднинг демографик вазияти, олийгоҳ битирувчилари учун мавжуд меҳнат бозорининг талаблари ва имкониятлари, ҳудуд иқтисодиётида олийгоҳнинг ўрни, таълим хизматларига бўлган эҳтиёж, ҳудуддаги таълимнинг тузилиши, таълим

соҳасида бошқа ҳудудлар билан ўрнатилган алоқаларнинг мавжудлиги, бошқа рақобатдош олийгоҳларнинг мавжудлигини инобатга олиш зарур;


– олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти – бу таълим фаолияти, илмий тадқиқот ишлари ва бошқа даромад келтирувчи фаолиятлар билан тизимли шуғулланиш имкониятини яратади;

– замонавий ахборот технологиялари – олий таълим муассасасида таълим турларини ва технологияларини жорий этишни (шу жумладан, ҳозирги кунда ривожланаётган масофавий таълимни амалга ошириш) қўллаб-қувватлаб, қўшимча таълим хизматларини амалга ошириш, шунингдек, дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базалари, ахборот тизимлари, шу жумладан, олийгоҳнинг замонавий даражадаги ташкилий ва бошқарув самарадорлигини ошириш имкониятларини тақдим этади;

– ахборот ресурс марказининг мавжуд фондлари – яъни, олийгоҳ кутубхонасининг замонавий адабиётлар билан таъминланганлиги ўз навбатида библиографик хизматларини кенгайтириб, сифатли таълим ва илмий тадқиқот фаолияти ривожланишига юқори ҳисса қўшади, шунинг билан бирга нусха кўчириш ишлари, китобларнинг электрон базаларини яратиш ҳам қўшимча даромадларни келтиради;

– олийгоҳнинг мавжуд меҳнат ресурслари – яъни, кадрлари бунда, профессор-ўқитувчилар ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг салоҳияти ўз навбатида янги бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини сифатли тайёрлаш, уларнинг сонини қўшимча тўлов контракт асосида кўпайтириш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этишга яқиндан ёрдам беради;

– ўқув-услубий таъминоти – профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган ўқув-услубий ишларни сотишдан даромад олиш, шунингдек, таълим хизматлари қўламини кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда олий таълим муассасасининг жозибадорлигини янада ошириш имконини беради;



1-расм. Олий таълим муассасалари даромад келтирувчи фаолиятлари, зарурий ресурслари ва ташкилий тузилмасидаги бошқа фаолиятларининг таркибий тузилиши.

— олийгоҳнинг табиий ресурслари — мавжуд ер ҳамда бино ва иншоотларининг етарли даражада бўлиши ажратилган квота ва ундан кўпроқ талабгорларни жалб қилиш билан бирга, уларнинг дам олишлари, амалий

кўникмаларини ошириш учун илмий лабораторияларни, технопаркларни ташкил қилиш имконини беради;

– олий таълим муассасасининг жамиятдаги обрўси ва собиқ битирувчилари билан тизимли алоқалари – бугунги кунда таълим муассасалари асосий эътибор қаратаётган йўналишлар саналиб, биринчидан, олийгоҳнинг йиллар давомида эришган натижалари: мавжуд бренди, ҳудуддаги олийгоҳнинг ўрни ва нуфузи, битирувчиларнинг иш билан бандлиги, олийгоҳнинг жамият томонидан эътироф этилиши назарда тутилса, иккинчидан собиқ битирувчилари билан тизимли алоқалари келгусида таълим муассасасига қўшимча ҳомийлик ва хайрия маблағларини (эндаумент фонд) жалб этиш, моддий жиҳозларни олиш кабиларда намоён бўлади.

Ҳозирги кунда бюджетдан ташқари даромадларни топишда халқаро амалиётда Университет 3.0 тизимини жорий этиш орқали олий таълим муассасаларининг таъсисчилигида илмий марказ, унитар корхона, Spin-off корхоналарини ташкил этиш, уларнинг бирламчи фаолиятини йўлга қўйиш учун молиявий маблағларни ажратиш асосида келгусида ушбу корхоналардан қўшимча даромадларни ишлаб топиш мумкин бўлади. Шунингдек, ушбу корхоналар олийгоҳнинг мавжуд моддий-техник базаси ва меҳнат ресурсларидан кенг фойдаланади. Шунга кўра олий таълим муассасалари фаолиятида келгусида қўшимча даромад топиш учун ушбу корхоналарни ташкил этиш, уларни бирламчи маблағлар билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратишлари зарур, деб ҳисоблаймиз. Халқаро тажрибада мисол учун Россия Федерациясидаги олий таълим муассасалари фаолиятини таҳлил қилсак, 2021 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети қошида 9 та, Санкт Петербург давлат университети қошида 19 та, Москва физика техника институти қошида 10 та, Томск давлат миллий тадқиқотлар университети қошида 34 та илмий-инновацион корхоналар ташкил этилган [10]. Кўпгина олий таълим муассасаларида бу корхоналар: илмий марказ, унитар, Spin-off корхоналари шаклида ташкил этилади.

Spin-off корхонаси – олий таълим муассасаси таъсисчилигида давлат хусусий шерикчилик шаклида ташкил этиладиган, юридик шахс мақомига эга компания саналади. Spin-off компаниянинг устав жамғармасида олий таълим муассасасининг улуши 50 фоиз ва ундан юқори этиб белгиланиши мумкин. Spin-off компания ташкил этишдан асосий мақсад – олий таълим муассасасининг илмий-техник изланишларини тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда фаолият натижасида олинган даромадлари асосида олий таълим муассасасининг моддий техника базасини ривожлантиришга йўналтириш саналади. Олий таълим муассасасида Spin-off корхоналари таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Шу нуқтаи назаридан олий таълим муассасалари қошида ташкил этиладиган Spin-off корхоналарига махсус жамғарма томонидан ажратилган маблағларни ҳисобга олишда у бўйича тузилган шартномага асосан қайтарилиш шарти билан ажратилган маблағлар “бир молия йилидан ортиқ” ёки “бир молия йили давомида” шаклида ссуда тарзида акс этирилиши керак. Бунда фикримизга Ўзбекистон Республикаси Бюджет Ҳисобининг Стандарти (2-сонли БҲС) “Ягона счётлар режаси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқда уларни ҳисобга олиш бўйича аналитик счётлар келтирилмаган [7]. Шу нуқтаи назардан тадқиқотлар асосида қуйидаги янги аналитик счётлар очиш тавсия этилади:

Узоқ муддатли ссуда қисмига (бир молия йилидан ортиқ):

“211110 Бюджет ташкилотининг шўъба корхоналарга қўйилган узоқ муддатли молиявий қўйилмалари” счётини;

Қисқа муддатли ссуда қисмига (бир молия йили давомида):

“121110 Бюджет ташкилотининг шўъба корхоналарга қўйилган қисқа муддатли молиявий қўйилмалари” счёти очиш зарур бўлади. Бу орқали ҳар бир олий таълим муассасалари муассислигида ташкил этилган Spin-off ёки бошқа турдаги корхоналарни молиялаштириш ва белгиланган муддатларда

қайтарилиши юзасидан ҳисоб-китобларнинг шаффофлиги ҳамда аналитиклиги таъминланади.

Умуман олганда олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари даромадлари ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосага келдик:

1. Олий таълим муассасасининг фаолият йўналишлари бўйича бюджетдан ташқари даромадларни топишда: асосий фаолияти бўйича оланадиган даромад, яъни, таълим бериш фаолияти, илмий ва илмий-тадқиқот фаолияти, инновацион фаолияти, халқаро алоқалар билан боғлиқ фаолияти, тадбиркорлик фаолияти, маънавий-маърифий ва спорт фаолияти, олийгоҳ ташкилий тузилмасидаги бошқа фаолиятларидан даромадларни ўзларининг ички имкониятлари асосида баҳолашлари зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу баҳолашларда олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари даромадларни юзага келтиришда ёрдам берадиган зарурий омилларни инобатга олишлари зарур бўлади.

2. Spin-off корхоналари олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари қошида ташкил этилиши, биринчидан, олий таълим муассасаларининг асосий фаолияти – талабаларга чуқурлаштирилган таълимни амалий жиҳатлари билан боғлаш бўлса, иккинчидан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосида Spin-off корхоналари ёрдамида янги молиявий даромадларни жалб қилиш, илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштиришга ҳамда илм-фан ютуқларини тезлик билан амалиётга жорий этиш имкониятини яратади.

3. Олий таълим муассасалари қошида ташкил этиладиган Spin-off корхоналарига махсус жамғарма томонидан ажратилган маблағларни ҳисобга олишда у бўйича тузилган шартномага асосан қайтарилиш шарти билан ажратилган маблағлар “бир молия йилидан ортиқ” ёки “бир молия йили давомида” шаклида ссуда тарзида акс эттирилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча олий таълим муассасалари фаолиятига (ёки умуман бюджет

ташкilotи фаолиятига) қуйидаги янги аналитик счётларни жорий этишни тавсия этамиз:

Узоқ муддатли ссуда қисмига (бир молия йилидан ортиқ):

“211110 Бюджет ташкilotининг шўъба корхоналарга қўйилган узоқ муддатли молиявий қўйилмалари” счёти;

Қисқа муддатли ссуда қисмига (бир молия йили давомида):

“121110 Бюджет ташкilotининг шўъба корхоналарга қўйилган қисқа муддатли молиявий қўйилмалари” счётини очиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали ҳар бир олий таълим муассасаси қошида ташкilot этилган Spin-off ёки бошқа шаклдаги корхоналарни молиялаштириш ва белгиланган муддатларда берилган маблағларнинг қайтарилиши юзасидан ҳисоб-китобларнинг шаффофлиги ҳамда аналитиклиги таъминлаш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси.
<https://lex.uz/acts/2304138>
2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябр ПФ-5847-сонли Фармони.
<https://lex.uz/docs/4545884>
3. Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 105-сонли буйруғи, 2010 йил 17 декабрь
4. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш: иқт.фан.док. (DSc) илм.дар.олиш учун ёзил. дис.автореф. – Тошкент, 2018. – 36 б.
5. Остонакулов М. Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби. Иккинчи нашр. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2009. –428 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг “Олий таълим тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 22 февралда 1222-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган), Тошкент ш., 2003 йил 9 январь, 9-сон

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 125-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бюджет Ҳисобининг Стандарти (2-сонли БҲС) “Ягона счётлар режаси”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги Буйруқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078.<https://lex.uz/docs/4008308>

8. Ғаниев Ш.В. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида): иқт.фан.ном.илм.дар.олиш учун ёзил. дис.автореф. – Тошкент, 2008.

9. <https://edu.uz/media/53f956aa-be00-124a-3f8f-90a6fbdc8bdf.pdf>
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумотлари.

10. – URL: <https://mip.extech.ru/reestr/reestr.php> Информация по организации учредителю.